



Karomiddin JAMAHMATOV^a

*^aDoctor of Philosophy (PhD) in Philology,
Deputy Director, Imam Tirmidhi International Scientific Research Center
Shimoliy Street 3, 190108, Termez, Uzbekistan.
Email: jamahmatovkaromiddin@gmail.com*

САЙИД БУРҲОНИДДИН ТЕРМИЗИЙНИНГ САЛЖУҚИЙ АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада буюк мутасаввиф, тасаввуф таълимотининг намоёндаси, Мовароуннаҳр тасаввуф мактабининг йирик вакили Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг ҳаёти, илмий-маънавий фаолияти ва ирфоний мероси атрофлича таҳлил қилинади. Унинг суфийликдаги ўрни, мазмунан бой ва руҳий тарбияга асосланган мероси нафақат Марказий Осиёда, балки ислом оламининг турли минтақалари, жумладан, Онадўлига ҳам кенг таъсир кўрсатгани ёритилади. Мақолада алоҳида равишда Саййид Бурҳониддин Термизийнинг Онадўлининг буюк арбоблари – Мавлоно Жалолiddин Румий ва Султон Валад шахсияти ва ижодига кўрсатган бевосита ва билвосита таъсири илмий асосда тадқиқ этилади. Хусусан, Мавлоно Жалолiddин Румийнинг «Маснавийи маънавий», «Фийҳи мо фийҳи» каби асарлари ҳамда Султон Валаднинг «Валаднама», «Рубобнома», «Маориф» каби ирфоний асарларида Саййид Бурҳониддин Термизийнинг руҳий тарбияси, иршод услуби ва таълимотнинг таъсири аниқ намоён бўлиши кўрсатиб берилади. Ушбу асарларда устоз-шогирд муносабатлари, суфиёна тарбиянинг методологик асослари, қалбни поклаш, комиллик сари интилиш каби мавзулардаги умумийлик ва уйғунликлар таҳлил этилади.

Мақоланинг яна бир муҳим жиҳати – Саййид Бурҳониддин Термизий ва Султон Валад қаламига мансуб «Маориф» асарларини қиёсий матншунослик ва ирфоний таҳлил асосида ўрганишга бағишланган. Ушбу икки асардаги мавзулар доираси, адабий-услубий хусусиятлар, лугавий ва иборавий қурилиш, ирфоний символлар ва маънавий тарбия билан боғлиқ гоялар ўзаро солиштирилади. Шундай қилиб, икки мутафаккирнинг асарлари ўртасидаги методологик умумийликлар ва фарқли жиҳатлар очиқ берилади.

Калим сўзлар: Мовароуннаҳр, Онадўли, маърифат, манбаишунослик, Термизий, Султон Валад, тасаввуфий манбалар, генезис.

SAYYID BURHAN AL-DIN TIRMIDHI: HIS PLACE IN SELJUK LITERARY TRADITION

Abstract. This scholarly article provides an in-depth analysis of the life, intellectual and spiritual activity, and mystical legacy of Sayyid Burhan al-Din Muhaqqiq al-Tirmidhi – a great Sufi, spiritual leader, and prominent representative of the Transoxanian school of Sufism. His position within the Sufi tradition, along with his teachings rich in meaning and focused on spiritual upbringing, had a profound influence not only in Central Asia but also in other regions of the Islamic world, including Anatolia. The article specifically examines the direct and indirect influence of Sayyid Burhan al-Din Tirmidhi on the personalities and creative output of two great Anatolian figures – Mawlana Jalal al-Din Rumi and Sultan Walad – through a scholarly lens. In particular, it is shown that Rumi's works such as *Masnavi-ye Ma'navi* and *Fihi Ma Fihi*, as well as Sultan Walad's mystical treatises like *Waladnama*, *Rubabnama*, and *Ma'arif*, clearly reflect the spiritual training, guidance style, and teachings of Sayyid Burhan al-Din Tirmidhi. These works are analyzed for their shared themes and harmony on topics such as the master-disciple relationship, the methodological foundations of Sufi education, purification of the heart, and the pursuit of spiritual perfection. Another important aspect of the article is dedicated to the comparative textual and mystical study of the *Ma'arif* works attributed to Sayyid Burhan al-Din Tirmidhi and Sultan Walad. The analysis compares the thematic scope, literary and stylistic features, linguistic and phraseological structure, mystical symbols, and ideas related to spiritual training found in both works. Thus, the methodological similarities and distinctive aspects between the writings of these two thinkers are revealed.

Keywords: Transoxiana, Anatolia, knowledge and spirituality, source studies, Tirmidhi, Sultan Walad, Sufi sources, genesis.

КИРИШ

Султон Валад ўзининг етук илмий салоҳияти, ақли, ташқи кўриниши, илмий чанқоклиги, шахсий фазилати ва ижодий йўналишда отаси Мавлоно Жалолиддин Румий ва бобоси Баҳовуддин Валадга ўхшаса-да илмий-ижодий ва руҳий тарбия борасида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийга ўхшаш томонлари кўп эди. Саййид Бурҳониддин Термизий асарлари билан Султон Валад асарларидаги адабий таъсир, бадиий ва тасаввуфий мотивларнинг орифона тасвирларидаги ўхшашлик, ижодкор ғояларининг ўзаро мутаносиблиги, асарларининг манбалари генезиси, тил хусусиятлари ҳақида таҳлилий мулоҳазаларимизни баён этиш Термиз илмий адабий мактабининг намояндлари меросининг тарқалиш жуғрофиясига ойдинлик киритади. Термиз заминида яшаб ижод этган буюк Термизий олимлар ва шоирлар бутун дунёга бой илмий-адабий асарлари билан кенг шуҳрат қозонган. Дарҳақиқат, бугунги кунда олимлар томонидан олиб борилган замонавий тадқиқотлар натижасида 200дан ортиқ Термизий мутафаккирлар дунёнинг турли мамлакатларида яшаб ижодий фаолият олиб боргани аниқланди. Бу борада М.Кенжабек (Мирзо Кенжабек, 2017:3-513) ва Ж.Чўтматовнинг (Жўрабек Чўтматов, 2017:4-389) тадқиқот ишлари, «Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари» каталогида ўрта асрларда фаолият кўрсатган 34 та термизлик мутафаккирнинг мамлакатимизда ва 43 та хорижий мамлакатда сақланаётган 300га яқин асарининг 1419 та қўлёзмаси тавсифи ўрин олган (С.Муҳаммадаминов., О.Мадалиева, 2018:3-26). Бу фактлар шуни кўрсатадики, термизий олимларнинг бой илмий-адабий мероси дунёнинг 43 та мамлакатада сақланади. Айниқса, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Адиб Собир Термизий каби улуғ дарғаларнинг асарлари кўплаб нусхаларда мавжудлиги илмий жамоатчиликка маълум.

АСОСИЙ ҚИСМ

XII-XIII асрларда Термиз заминида яшаган – Саййид Бурҳониддин Термизий (1165-1241) меросини тўлиқ қамраб олувчи тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Хорижлик олимлар бу зот ҳақида бир-қанча илмий ишлар ёзганини кўриш мумкин. Жумладан, туркиялик ва эронлик олимлар Саййид Бурҳониддин Термизий ҳаёти ва маънавий меросини кенг қамровда тадқиқ этиб

келмоқдалар. Мутафаккирнинг «Маориф» асари форс тилида ёзилган бўлиб, тасаввуфшунос олим доктор Бадиуззамон Фурузонфар Истанбулдаги қўлёзма нусха асосида илк бор тадқиқи, таҳқиқи ва тасҳихини нашрга тайёрлаган. Асарни Бадиуззамон Фурузонфар тадқиқи асосида турк олими Али Ризао Карабулут (1940–2018) 1995 йилда турк тилига таржима қилган.

«Маориф» номи билан танилган ушбу асар Бурҳониддин Термизийнинг турли хил сабаблар билан айтилган гаплари ва ваъз-насихатларидан ташкил топган. Мутафаккир асарни ёзишда қуйидаги манбалардан фойдаланганини кўриш мумкин:

Қуръони карим;
Сихоҳи ситта;
Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарийнинг тафсири;
Баҳоуддин Валад асарлари;
Тасаввуф аҳли томонидан ёзилган асарлар;
Мутасаввиф шоирларнинг шеърлари.

Муаллиф ўз асарида кўплаб далилларни Ҳасан Басрий, Ҳаким Термизий, Ҳорис Муҳосибий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Ибн Ато, Ҳомид Термизий, Баҳоуддин Валад, Санойи Ғазнавий, Шайх Аттор, Робияи Басрия, Жаъфар Хулдий ва Усмон Мағрибий каби улуғ зотлардан олган.

«Маориф» асарининг мавзу мундарижасини ўрганар эканмиз, аллома ақоид, тасаввуф, тафсир, мантик, сийрат, ахлоқ каби мавзуларга ўзига хос услуб билан кириб боришини кузатамиз. Ҳар бир мавзунини тушунтиришда ҳаётий воқеалар мисол тариқасида келтирилади.

Бугунги кунда мазкур асарнинг иккита қўлёзма нусхаси маълум. Биринчиси, Ускудор Салимоға кутубхонасининг №567 рақамли инвентарида сақланса, иккинчиси эса Кўния шаҳридаги Мавлоно музейида №2118 рақами остида сақланиб келинмоқда. Асарнинг қадимги нусхаси Мавлоно музейидаги нусхасидир. Ушбу нусха 1288 йилда Арғун ибн Айдемир ибн Абдуллоҳ номли котиб томонидан кўчирилган. Асарни юқорида таъкидланган нусхалар асосида адабиётшунос олим Бадиуззамон Фурузонфар 1960 йилда Техрон университети нашриётида нашр қилдиради. Турк олими Абдулбоқий Гулпинарли эса 1973 йили форс тилидан турк тилига таржима қилади.

Шуни айтиш лозимки, Жалолиддин Румий «Фийҳи мо фийҳи» («Ичиндаги ичиндадир») асарини ёзишда «Маориф» асарида таъсирлангани сезилади. «Фийҳи мо фийҳи» асарида Саййид

Бурҳониддин Термизий билан боғлиқ айрим тасаввуфий қарашлар ва манокиблар мавжуд. Румий «Маснавий маънавий» асарида шундай дейди.

پخته گرد و از تغیر دور شو
رو چو برهان محقق نور شو

(Жалолиддин Румий, 1380:56)

«Пишгилу ўзгарма ҳеч, манзур бўл,
Сен чу Бурҳони Муҳаққиқ, нур бўл».

Жалолиддин Румий Бурҳониддин Термизийни нафақат «Маснавий маънавий» асарида зикр этган, балки ғоявий қарашларидан ҳам кенг таъсирланган. Румий руҳий тарбия борасида дидактик услубда ёзилган, тасаввуфий ахлоқни тараннум этувчи «Фийҳи мо фийҳи» асарида кўп бора Термизийни тилга олади. «Баҳоуддин Валад ва Хожағий Жавҳаргар ўртасидаги воқеа, шунингдек, устози баён этган «ўзликни англаш, нафс поклиги, фано ва бақо» борасидаги мавзуларда Саййид Бурҳониддин Термизийдан иқтибос келтиради: «Саййид Бурҳониддин шундай марҳамат этарди: «Бир киши келиб биров сени мақтаганини эшитдим», деди. Мен: «У қандай киши ва қандай маънавий мақоми борки, мени ҳолимни биларкан ва мени танир экан? Агар, мени қол билан (ташқи кўриниш ва сўз билан) билган бўлса, мени яхши билмаган экан, зеро, бу сўз, бу ҳарф, бу овоз, лаб ва оғиз ҳам боқий қолмас. Булар зоҳир бўлувчи нарсалардир, холос. Амалу феъл ҳам худди шундай. Агар, менинг зотимни (аслиятимни) таниган бўлса, унинг мадҳи менинг ҳақимда тўғри эканининг исботидир» (Жалолиддин Румий, 1380:30).

Бунда мутафаккир инсоннинг асл жавҳари Аллоҳнинг ҳузуриданлигига ишора этиб, Яратувчини инсон ўзлигини англашига ишора қилган. Румийнинг «Фийҳи мо фийҳи» асаридаги бош концепция ҳам шу. Бурҳониддин Термизийнинг «Маориф» асаридаги ғоялар ҳам ўзликни англашга, маънавий етукликка чорлашга, илоҳий маърифатни билишга ундайди. Бурҳониддин Термизий тасаввуфдаги бош ғоя убудият эканини таъкидлаб, ибодатдан мақсад «нафсни тарбиялаш»лигини изҳор этади. Яъни, инсон ўз нафсини таниса, яратган Парвардигорини танийди. «Ибодатнинг мағзи нафснинг мағлуб бўлишидир. Бошқа барчалари ибодатнинг қобиғидир. Нафсни ёқиб-эритмаган рўза ва бошқа ҳар қандай ибодат – ибодат ҳисобланмайди. Ибодатда нафсга азият бериш ибодатнинг шартидир. Авлиёларнинг нафслари қалбадир. Душманларнинг қалблари эса тўлик

нафсдир. Мужоҳада – нафсдан Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида фойдаланишдир. Мужоҳада – Аллоҳнинг йўлида инсонларга садоқат сабабларини узиб қалб ойнасини Аллоҳнинг муҳаббати билан жилолашдир» (Саййид Бурҳониддин Термизий, 2024:41).

Саййид Бурҳониддин Термизий «Маориф» асарида Жалолиддин Румийни отасидек улуғ зот бўлишини хоҳлайди. Бурҳониддин Мавлоно Жалолиддин Румийга хитобан шундай деди: «Аллоҳ таоло сени отангнинг (Баҳоуддин Валад) мақомига етказсин. Зеро, отангнинг мақоми устун эди, Аллоҳ сени даражангни унинг мақомидан устун қилсин» (Саййид Бурҳониддин Термизий, 2024:46). Румий «Фийҳи мо фийҳи» асарининг бир ўрнида ибодат жараёнида ўқийдиган «ат-Таҳийёт» дуосининг шарҳини худди Бурҳониддин Термизийнинг суфиёна шарҳидек келтиради.

Бурҳониддин Термизийнинг «Маориф» асарининг кўп жойларида Ҳаким Термизий асарларидан фойдаланилгани ҳамда тасаввуфий қарашларидан кенг таъсирланганини кўриш мумкин. Ҳаким Термизийнинг «ас-Солату ва макосидухо» («Намоз ва унинг мақсадлари» асарида шундай келтиради: «Жоҳилият даврида мушрикларнинг кичик бутлари бўлиб, қаерга борсалар, ўзлари билан олиб кетар ва уларнинг юзларини артиб: «Сенинг боқий ҳаётинг бор», дейишар эди» (Ҳаким Термизий, 2024:22).

Бурҳониддин Термизий эса шундай келтиради: Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу айтадилар: «Жоҳилият даврида бир қанча бутлар бор эди. Улар бутларига: «Чексиз ҳаёт сизлар учун бўлсин»¹, – дейишарди». Муаллиф ўз фикрини теранроқ баён этиш ҳамда тасдиқлаш мақсадида иқтибос ва дарж каби санъатлардан фойдаланган. Мутасаввиф шоирлар ва олимларнинг асарларида Қуръони карим, ҳадиси шариф ва суфийлар ҳикматларидан мисоллар келтириш тарихий анъанадир. Асар мавзу мундарижаси бошқа тасаввуфий асарлар қатори одоб-ахлоққа қаратилган бўлиб, китобнинг иккинчи қисмида «Муҳаммад» ва «Фатҳ» сурасининг тасаввуф аҳлига хос тафсири келтирилади.

¹ Яъни жоҳилият давридаги араб мушриклари ўз бутларига сиғиниб, уларга ибодат қиларди. Шу билан бирга улардан нажот сўрарди. Аллоҳ таолога ҳамд айтиш, унга ибодат қилиш, нажот сўраш ўрнига, жоҳилликлари туфайли бутларини ўзларига илоҳ қилиб олганди.

Демак, «Фийҳи мо фийҳи» асарининг генезиси Қуръон, Ҳадиси шариф, Баҳоуддин Валад ва Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг «Маориф» номли асарлари ташкил этади.

Жалолиддин Румий асарни ёзишда тарихий шахслар, улуғ зотлар маноқибининг хронологияси, тасвирлар ўхшашлиги, иқтибосларнинг ўзаро мутаносиблиги ва ғоялар мазмунига алоҳида эътибор қаратган. Валий, муршид, мужоҳада, нафс, мушоҳада, ишқ, маҳбуб, мажзуб, ақл, муҳаббат, ғазаб, ғийбат, неъматлар, камолот, имон каби мавзулар ҳар икки мутафаккир асарида мазмунан ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Султон Валад² ўз асарларида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийни «Ҳақ васлини топганларнинг султони Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий», (Султон Валад, 1419:21) – унвони билан эслайди.

Султон Валаднинг «Маориф» номли асари Баҳоуддин Валад, Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг пайравлигида ёзилган бўлиб, Мавлавия тариқатининг муҳим назарий манбаларидан саналади.

² Жалолиддин Румийнинг муносиб вориси, ўғли Султон Валад Шарқ мумтоз шоирлари орасида «Мавлавия» тариқатини ёйишга салмоқли ҳисса қўшган. У 1226 йил Кўния шаҳрида дунёга келган. Жалолиддин Румий ёшлигидан ўғлини отаси Султонул уламо Баҳоулвалад тарбиясига топширади. Бобосидан илм олган ёш Султон Валад, кейин Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий илмий-ирфоний суҳбатларидан баҳраманд бўлади. Румий фарзанди тарбиясига бефарқ бўлмай, уни замонанинг кўплаб устозларига шогирдликка беради. Султон Валад «Маснавийи маънавий» ва «Маориф» асарларининг ирфоний қарашларидан таъсирланиб, «Валаднома», Рубобнома», «Ибтидонома», «Интихонома» каби орифона маъноларга бой асарлар ёзади. Бундан ташқари илмий ва адабий аҳамиятга эга бўлган «Илмнома» асари ҳам бор. Султон Валад ўз асарларида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий ҳазратларини юксак ҳурмат билан тилга олади. Буюк мутафаккирнинг асарлари мавзу-мундарижаси исломий одоб-ахлоққа қаратилган. У «Мавлавия» тариқати қарашларини назарий жиҳатдан тушунтирган. Пайғамбар наъти, чаҳорёрилар мадҳи, авлиёлар сийрати ва панднома мазмунли шеърлари бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Форс ва турк тилида ижод қилганлиги учун зуллисонайн шоир, деб қаралади. Бу зот умрининг охиригача такво-парҳезни маҳкам тутиб, ижод қилишдан тўхтамади. Султон Валад 1312 йил Кўния шаҳрида вафот этди.

Султон Валад туркий ва форсий адабиётда ўзининг бой маънавий мероси билан кенг шуҳрат топган. Бу зот буюк мутасаввиф олим, зуллисонайн шоир, мавлавия тариқатининг муршиди ва олимидир. Мутафаккир 1226 йили Кўния шаҳрида Жалолиддин Румий оиласида дунёга келади. У дастлабки илмларни бобоси – Баҳоуддин Валад, отаси – Жалолиддин Румий ва устози – Саййид Бурҳониддин Термизийдан олади. Тасаввуф, калом, мантиқ, исломий фикр, ақоид, фалсафа, шеърят, балоғат, тафсир ва ҳадис илмларида ўз замонасининг кўзга кўринган олимларидан эди. Мавлавия тариқатининг ижозатини отасининг шогирди – Ҳисомуддин Чалабийдан олади. Валад тарбиясида Саййид Бурҳониддин Термизий билан биргаликда Шамс Табризийнинг таъсири кучли бўлган. Султон Валад қаламига мансуб асарлар гарчи аксарияти форс тилида ёзилган бўлса-да, шоирнинг девонида туркча-форсча, румча-форсча аралаш байтларни учратиш мумкин. Унинг «Ибтидонома» (1291 йил), «Рубобнома» (1301 йил), «Интихонома» каби маснавий жанрида ёзган асарлари маъно-мазмун жиҳатидан мавлавия тариқатининг қонун-қоидалари, рашҳалари, сайру сулугини ва шу тариқат арбобларининг маноқибини баён этиб беради. «Маориф» номли асари эса насрий баёнда ёзилган бўлиб, унда Бурҳониддин Термизийнинг маънавий қарашлари кўпроқ кўзга ташланади. Шоирнинг «Рубобнома» асари 156 байтни ташкил қилади. Мазкур асардаги туркча шеърлар 1301 йилда ёзилган. Шоирнинг туркий девонини биринчи маротаба 1925 йили Валад Чалабий Избудақ «Девони туркийи Султон Валад» номи остида шеърларини жамлаб девон ҳолига келтиради. Турк адабиётшуноси Маждуд Мансур ўғли 1958 йили эса «Султон Валаднинг туркча манзумалари»ни тайёрлаб нашр эттиради. Ушбу асар адабиётшуносликда «илк салжукий шеърлар» номи билан ҳам тилга олинади. Султон Валад туркий тилда ёзган ушбу асари туркий адабиётнинг Кичик Осиёда янада ривожланишига ҳамда мавлавия тариқатининг кенг ёйилишига сабабчи бўлди. Шоирнинг туркча ғазаллари кўпроқ илоҳий муҳаббатни тараннум этади. Ғазаллар тили содда, равон, халқчил ва оҳангдорлиги юқоридир. «Қаро қошлар» номли ғазалида шоир такрор санъатидан фойдаланиб, содда сўзлар орқали ошиқнинг маъшукка бўлган дарди дилини ошкор этади.

Қаро қошлар, қаро кўзлар жоним олди, жоним олди,

Муслмонлар недир бу, ким менга келди, менга келди?...

*Сени юзинг қўёшдир, йўқса ойдир,
Жоним олди, кўнгил дағи не айтур?...*

*Валад йўқсил эди сенсиз жаҳонда,
Сени топди, демакки энди бойдир.*

Отаси Мавлоно Жалолиддин Румий ҳақида:

Мавлонодур авлиёи барҳақ, билинг,

Ул нени буюрса гар, уни қилинг.

Тангридан раҳматдир анинг сўзлари,

Тингласа кўрлар – очилгай кўзлари.

Қай кишиким бу сўзла йўл олгай,

Тангри анинг мукофотин том бергай...

(Адхамбек Алимбеков, 2005: 56)

Дарҳақиқат, Султон Валад ўз даврининг сермахсул ижодкори бўлиб, унинг асарлари бугунги кунга қадар мавлавия тариқатининг сир-асрорларини кенг китобхонларга етказишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, Саййид Бурҳониддин Термизий ва Жалолиддин Румийнинг асарларини тушуниш учун Султон Валаднинг асарларига мурожаат қилиш керак. Чунки, шоирнинг асарлари ушбу улуг зотларнинг асарлари тилини шарҳлаш учун калит воситасини бажаради. Мавлавия тариқатининг муҳим тасаввуфий манбаси сифатида Султон Валаднинг «Маориф» номли асарини келтириш мумкин. Ушбу асар орқали Кичик Осиё, Хуросон диёрларида Мавлавия кенг шуҳрат қозонди.

НАТИЖА

Султон Валаднинг «Маориф» асари генезисини асосан Қуръон оятлари, ҳадиси шариф, мазҳаббошилар раъйи, мутасаввиф зотлар қарашлари, устозларининг асарлари мазмуни ҳамда шахсий тафаккури ва ижодий ёндашуви ташкил этади. Султон Валад ва Саййид Бурҳониддин Термизий асарларидаги ўхшашлик жиҳатлари биринчи ўринда асарлардаги истифода этган манбалар бўлса, иккинчидан унинг ваъз-насиҳатларидан олинган руҳий таъсир; учинчидан, ҳар икки «Маориф» асарида қулланилган ижодий услуб; тўртинчидан, келтирилган ибратли қиссаларнинг ўхшашлиги; бешинчидан, баён мутаносиблиги; олтинчидан, Бурҳониддин Термизийни кўп бора «устоз», «маънавий муршид»

ва мавлавия тариқатининг улуг мутафаккири сифатида тилга олинганидир.

Мисол учун Султон Валад «Маориф» асарининг биринчи фаслида «ҳол»нинг муҳимлиги ҳақида сўз юритган бўлса, Бурҳониддин Термизий руҳиятни поклаш учун зикрнинг муҳимлигини таъкидлайди. Ғазабни жиловлаш мавзусидаги Ҳазрат Али (р.а.) билан бўлган воқеанинг ўхшашлиги, адабиётнинг бош ғояси бўлган ахлоқ мавзусининг муҳим таянчи – Пайғамбаримиз (с.а.в) «мақоми маҳмуд»га кўтарилиши ёки самоъ (суфийларнинг кўшиқ ва рақслар) борасида Султон Валад асарининг учинчи фаслида шундай дейилган: «Самоънинг мақсади ишрат эмас балки, илоҳий қурбдир» (Султон Валад, 1419 ҳ.ш: 21). Термизий наздида эса самоъ орқали банда мукошафа ва мушоҳада мақомига эришишини айтади.

Султон Валад «Маориф» асаридаги бадий образларнинг барчаси тасаввуфий мотивларни ифода этиш учун қўлланилган. Валий зотларни – дарё каби оқиб турувчи ва инсонларга манфаат етказувчи шаффоф сув деса, авом халқни эса – сахро, чўл, биёбонга ўхшатади. Чунки, сахрода азият бор. Дарёда эса ҳам табиат, ҳам инсонлар учун манфаат бор.

Ушбу икки асарда келтирилган шеърӣ парчаларда ҳам ўхшашлик сезилади.

Бурҳониддин Термизийнинг «Маориф» асарида,

«Чон аз дарун ба фоқаву таъ аз берун ба барг,
Дев аз хуриш баҳизаву Чамшед ношто.
(Ҳоконий, 1338:5)

Мазмуни: Рух ботинда оч, табиатимиз эса яйрашда, шайтон эса тўк, Жамшид ҳамон нонустада.

Султон Валад «Маориф» асарида эса,
«Чон аз дарун ба фоқаву таъ аз бурун ба барг,
Дев аз хуриш тухмаву Чамшед ношто. (Султон Валад, 1419 ҳ.ш: 41)

Ушбу байт орқали инсон руҳий олами билан жисмий олами ўртасидаги фарқлар баён қилинган. Нафси аммора семиришни хоҳласа, рух эса мўътадилликни хоҳлайди. Инсон руҳи доимо ишқ учун фоқа (оч киши) кабидир, шайтон эса ошиқларни сарсон қилиб, йўлини тўсиш билан овора, ошиқ инсон Жамшед каби бу йўлдан етарлича бохабар.

Султон Валад инсонларни соғлом эътиқодга чорлаб, Аллоҳнинг қудратини ҳар бир яратикларда

кўриш имкони барчада бор эканини кўп бора такрорлайди. Арабча келтирилган ушбу фикрлари бунинг исботидир.

الحق أظهر من الشمس، فمن طلب البيان بعد العيان فهو
في الخسران (Султон Валад, 1419 х.ш: 41)

«Ҳақиқат қуёшдан кўра ошқорроқдир. Ҳар ким кўриб туриб, далил изласа, ўзи зиён қилгувчидир».

Ҳадисларни шарҳлашда мутафаккир услубий, тил ва эстетик маҳорат жиҳатидан кўзланган мақсадга эришган. Ҳар бир ҳадис матнидан сўнг, таржимаси билан биргаликда ундан кўзланган ботиний маъно – суфиёна характер кўрсатиб берилган.

إذا أحببت عبدا كنت له سمعا

(Агар бир бандани севсам Мен уни эшитадиган қулоғи бўламан). Яъни, агар банда Менга ихлос билан ибодат қилса, ўзганинг муҳаббатига қалбида жой бермаса, унинг қалбини ўзгандан поклайман ва уни ўзимга маҳбуб этаман. Мавлавия тариқатида бошқа тариқатлар каби ишқ мавзуси ақл билан бирга нақл ва ҳиссиётга таянади. Бу тариқатда фоний бўлмоқ, нақшбандийлар каби боқийлик сари йўл олмоқ кабилар.

Фоний зи ҳуду ба дўст боқий,

Ин турфа ки нестанду ҳастанд. (Султон Валад, 1419 х.ш:66)

Мазмуни: Ўзлигидан кечиб, дўстга етишган зотлар доимий ҳаёт топадилар, буларнинг акси эса оламда йўқдек яшайдилар.

ХУЛОСА

Тил жиҳатдан қаралганда, Бурҳониддин Термизий қўллаган исмлар, орифлар ҳаётига хос бўлган воқеалар баёни, мажозий сўзлар ва сифатлар Валаднинг «Маориф» асарида кенгрок қилиб ёзилади. Мутафаккир инсон руҳини қуёшга қиёслаб жисмини юлдузларга ўхшатади. Бу каби ташбеҳлар орқали инсон оламини билишга хос бўлган тасвирларни тез илғаб олишга ёрдам беради. Валад Қуръони каримни тафсир қилишда худди устози каби йўл тутганини алоҳида қайд этиш зарур. Оятлар матни билан биргаликда таржимаси ва унинг ирфоний тафсирини бериши, ҳар бир масалани ҳадис ва уламолар қавли билан ёритиб бориши, асарнинг илмий қийматини оширган. «Чун ажали олам ба охир ояд, он рўз қиёмат аст, осмон ки сар аст, пора-пора шавад ва бишқофад» (Султон

Валад, 1419 х.ш: 69). (Оламнинг умри якунига етса, ана шу кун қиёматдир, осмон гумбази парчаланиб, ёрилади). Қиёмат мавзуси борасида «Инфитор», «Таквир», «Иншиқок», «Қория» каби сураларнинг оятларидан фойланиб, тасаввуфий руҳда фикрини баён этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бурҳониддин Термизий ва Султон Валад асарларидаги мавзулар моҳияти ва услубий қурилиши, манбалар генезиси, баёнлар ифодаси ўртасида ҳар томонлама яқинликни кўриш мумкин. Тасаввуфий, фалсафий, тарихий, фихий, эътиқодий ва тил жиҳатдан икки асар ҳам Мавлавия тариқатининг сайру сулуқини назарий жиҳатдан тушунтириб берувчи илмий-манбалардандир. Султон Валад устози – Бурҳониддин Термизийнинг тасаввуфий ғояларидан шунчалик таъсирланганки, унинг ҳар бир асарида Саййид Бурҳониддин Термизийнинг «Маориф»да қулланилган баёнлари кўзга ташланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алимбеков, А. (2005). Турк адабиёт тарихи. Тошкент: ТошДШИ нашриёти.
2. Чўтматов, Ж. (2017). Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Тошкент: Янги Нашр.
3. Ҳоқоний. (1338). Девони Ҳоқоний. Техрон: Тахурий.
4. Кенжабек, М. (2017). Буюк Термизийлар. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.
5. Руми, Ж. (1365). Фийҳи мо фийҳи (Б.Фурозонфар, Тахр.). Техрон: Интишороти Нигоҳ.
6. Руми, Ж. (1380). Маснавий маънавий (Р.Ничолсон, Эд.). Техрон: Шаҳри Китоб.
7. Тирмизий, А. А. Ҳ. (2024). Ас-солату ва макосидухо (Намоз ва унинг мақсадлари) (М.Жониев, Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи). Термиз: Китоб Нашр.
8. Тирмизий, С. Б. М. (2024). Саййид Бурҳониддин Муҳққиқ Тирмизий (К.Жамаҳматов, Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи). Термиз: Китоб Нашр.
9. Тирмизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари. (2018). Тошкент: Фан.
10. Валад, С. (1376). Валаднома (Ж.Хумойи, Тахр.). Техрон: Интишороти Иқбол.
11. Валад, С. (1419). Маориф (Н.Мойил Ҳиравий, Эд.). Техрон: Интишороти Мавло.

REFERENCES

1. Alimbekov, A. (2005). Turk adabiyoti tarixi. Tashkent: ToshDSHI Publishing House.
2. Chotmatov, J. (2017). Termizning bezavol qal'alari yoxud Termiz tarixi. Tashkent: Yangi Nashr.
3. Haqani. (1338). Divan-e Haqaniy. Tehran: Tahuri.
4. Kenzhabek, M. (2017). Buyuk Termiziylar. Tashkent: State Scientific Publishing House of the National Encyclopedia of Uzbekistan.
5. Rumi, Jalal al-Din. (1365). Fihi ma fihi (B. Furuzanfar, Ed.). Tehran: Intishorot-e Nigah.
6. Rumi, Jalal al-Din. (1380). Masnavi-ye Ma'navi (R. Nicholson, Ed.). Tehran: Shahr-e Ketab.
7. Termiziy, A. A. H. (2024). As-salatu wa maqasiduhu (Namoz va uning maqsadlari) (M. Joniyev, Trans., Intro. and Notes). Termiz: Kitob Nashr.
8. Termiziy, Sayyid Burhoniddin Muhaqqiq. (2024). Sayyid Burhoniddin Muhaqqiq Termiziy (K. Jamahmatov, Trans., Intro. and Notes). Termiz: Kitob Nashr.
9. Termizlik olimlar asarlarining jahon fondlaridagi qo'lyozmalari. (2018). Tashkent: Fan.
10. Walad, Sultan. (1376). Waladnama (J. Homayi, Ed.). Tehran: Intishorot-e Iqbal.
11. Walad, Sultan. (1419). Ma'arif (N. Moayyel Hiravi, Ed.). Tehran: Intishorot-e Mawla.

